

«Зинама-зина» кўрсатуви
ҳақида

Ёшларнинг илмга бўлган интилишларини ривожлантиришда телекўрсатувларнинг ўрни бирмунча ошди. Шундай телекўрсатувлардан бири «Зинама-зина» бўлиб, унинг мухлислари тобора ортиб бормоқда. Кўрсатувда берилган саволлар турли мавзуда эканлиги қатнашувчилар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Саволлар ёшларни илм эгаллашга рўшлантирмоқда. Жула кўп ёшлар кўрсатувда қатнашибди. Барча мухлислар номидан «Зинама-зина» кўрсатуви ижодкорларига омад тилайман. «Зинама-зина» янада чўққилар сари интилаверсин. Уйлайманки, ана шундай кўрсатувларнинг кўпайиши ёшларнинг хайрли ишларга қўл уришига далолат бўлиб хизмат қилади.

Сурайё САТТОВА

сининг тузилиши ҳам муҳим ишлар сарасига қиради.

Кун кеча эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори қабул қилинди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, аёллар мавқеини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари Республикадаги ижтимоий демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Оилаларнинг тиббий маданият даражасини янада ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган ушбу қарор, ўйлаётганимиз, кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Чунки соғлом авлодни соғлом она дунёга келтиради. Шу боис, аёлларга кўрсатилаётган гамхўрлик эртанги келажагимиз учун қурилаётган пойдеворнинг мустаҳкамлиги омилдир.

Миллатнинг давомийлиги учун табиатан масъул қилиб яратилган аёлларга миллат қайғуси, халқ дарди, келажақ таъбири кучли. Чунки улар, энг аввало, онадир! Она эса Ватан сингари азиз ва буюкдир!

Зиёда АШУРОВА,
«Turkiston» мухбири

ҲАЁТ ҚУЁШИ

Аёлсиз дунёни тасаввур қилиш мумкин эмас. Ватан — илоҳий сўз. Бежизга аёлни Ватанга қийсламайдилар. У айтаётган аллани нафақат бешиқдаги гўдак, балки бутун олам эшитида, ором олади. Она ўз кўшигида боласига, серташвиш дунёга тинчлик, омонлик тилайди. Дунё эса бир лаҳза бўлса-да, барча ташвишларини унутиб ором топади.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сароймулк хоним кўпинча бирга юрган. Узининг оқилона маслаҳатлари билан у салтанатни бошқаришда фаол қатнашган. Буюк ҳукмдор хонимга ошқора буйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига доим амал қилган. Бу ҳақда тарихдан жула кўп мисолларни келтириш мумкин. Айнан ўзбек аёли ҳақида олмон мутла-факирлари шундай ёзади: «Ўзбек аёллари сарвиқад ва хушрўйдир... Улар соват қийиб, камар боғлаб эрлари билан ёнма-ён жангга қиради, тимқора, йирик-йирик кўзлари жон олгувчидир...»

Ер юзиде токи битта аёл мавжуд экан, у ҳақда бирон бир янги гап айтиш мумкин. Бу аини ҳақиқат. Ҳақиқат эса ҳеч қачон ҳеч вақт иккилантирмайдди. Собиқ совет даврида «юқорида» тилар аёллар оилада ҳам, жамоат ишларида ҳам тенгдир, деяр жар солишиди. Тенг ҳуқуқлилик аёлни барча соҳаларда кўрсатилади. Энг заҳарли корхоналарда, далада, завод-

фабрикаларда, тунги сменаларда тиним билмай ишлади. Тенг ҳуқуқлилик ана шу асосда қурилади. Натижада, бўлажак авлоднинг соғлиғига путур етди. Сабаб қилиб эса, кўп туғилиш ҳодисаси рўқач қилиб кўрсатилади ва яна туғиш «тепа»дан режалаштирилди. Уша давр тиббиётининг ноҳор аҳволданиги ҳақида эса сўз ҳам бўлмади. Пахта далаларида бир қўлида кетмон, бир қўлида чақалоғини кўтарган аёл бир муддат орзу қиларди: «Бутун даладан эртароқ жавоб берса бўлмасмикан?» Аёллар кун санашди, тун санашди... Санай-санай не-не тонлар отди. Ниҳоят, ёруғ кунлар келди шўрлик аёл бошига! Президентимиз аёллар ҳақида фикр юритиб: «Аёлларни қанчалик улуғласан, ҳаётимизнинг чирогини, умримизнинг гули деб эъзозласан, демакки, олимизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз» дея юксак баҳо бердилар. Хотин-қизларга кўрсатилган ва аини пайтда кўрсатилаётган эътибор, гамхўрликларга жавобан аёллар мамлакатимизнинг равнақ топиши учун ҳалол хизмат

қилмоқдалар. Мамлакатимизда аёллар саломатлиги ва ўсиб келаётган авлодни соғлом, баркамол қилиш борасида кўрсатилган эътибор йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жулладан, 1998 йилни «Ойла йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни «Соғлом авлод йили», 2001 йилни «Она ва бола» йили деб эълон қилиниши фикримизни тасдиқлайди. Аини пайтда мамлакатимизда 10 дан ортиқ хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу борада Республика хотин-қизлар қўмитаси ва унинг қўйи бўғинлари, «Олима», «Тадбиркор аёллар» уюшмаларини фахр билан айтишимиз мумкин. Шунингдек, Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Мукофот соҳибларини нафақат дўғимизда, балки дунёда ҳам тан олишяпти! Бундан қувонмай бўламиз?! Мақсад, оилада соғлом авлодни шакллантириш, камил инсонни тарбиялаш экан, бу борада Республикада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғарма-



Азиз АҚРОМОВ олган сурат

Она муқаддас... У ҳаммиса қадрлиб, эъзозлиб келинган. Ҳатто, тош асрида ҳам! Мехр-муҳаббат туйғулари ўша йиллар силсиласидан бизгача етиб келган. Онани эъзозлаган жамоанинг тили, эли буюк сифатида тан олинган бадиий асарларда, тошга ўйиб чиқилган суратларда ўз аксини топган. Демак, аёлни қадрлаш ота-

боболаримиздан қонимизга ўтган. Шоҳ Жаҳон Мумтозамаҳал бегим шарафига Тож маҳални қурдирган. Ҳалигача бу мўъжиза дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам мамлакат аёлларига мехр-муҳаббат кўрсатилган Зеро, бунини Сароймулк хоним мисолида кўришимиз мумкин.

MUSTAQILLIK SABOQLARI

ДУНЁ ТАЖРИБАСИГА АЯНИБ

Мустақиллик туфайли халқимиз ўз хошироодасига мос тараққиёт йўлини эркин танлаш имконияти билан бирга уни ўзида ифода этувчи, халқни-халқ, миллатни-миллат эътиборини, уни шайи-шарафи, ор-номуси, ишонч-этиқодини ифода қилаётган, жамаиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, тақомиллашиб бораётган гошлар тизими шаклланиётганлиги ҳам муҳим ютуқдир.

Миллий истиқлол воясининг демократия билан уйғунлиги, жамаиятда «ягона мафқуравий» ақидалар ўрнида, ижтимоий тараққиётда мафқуралик, фикрлар хилма-хиллигида яққол намоён бўлаётди. Бу жамаият тўғрисида турли хил фикрларни, қарашларни шаклланишига шарт-шароит яратиб бермоқда. Фикрлар хилма-хиллиги, гошлар хилма-хиллигига асосланиб, демократик муҳитни пайдо қилади. Бир кишининг фикри охирига ва тугалланишига даъво қилмайди. У ёки бу партиянинг вояси охириги воя сифатида бошқа гошларни инкор эта олмайдди. Фикрни ўтказиш, ўз фикрини фақат тўғри деб қараш бугунги миллий истиқлол вояси талабига мос эмас. Бунини раҳбар ва хоним муносабатиде ҳам кўриш мумкин. Бугунги кун раҳбар нафақат ўз фикрини айтиш, балки бошқа ходимлар фикрини ҳам эшитиши, уни ҳисобга олиш, турли фикрларга таянган ҳолда умумий вояни, мақсадни белгилаш услуби бу раҳбарларнинг фаолияти орқали демократиянинг ўзига хос кўринишидир, дейиш мумкин.

Шунинг учун ҳам мустақиллик, демократия ва гошлар хилма-хиллиги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда бир-бирини тўлдирлади. Бугун мамлакатимизда сиёсатни мафқурадан холи бўлиши ёки ҳеч бир мафқуранинг давлат мафқураси сифатида ўрнатилмаслиги миллий истиқлол воясининг чуқур демократик асосга эга эканлигини кўрсатади. Тўғри, юқорида таъкидланганидек, бу шунчаки осонликча, силлик кўчадан маънавий-маърифий жараён эмас. У инсонлар, турли ижтимоий қатламлар манфаатлари «тўқнашувда» амалга ошади. Гошлар хилма-хиллиги умумий мақсаднинг йўқлигини билдирмайди. Яққа фаолиятни умумий мақсад йўлида жишлантириб турадиган шундай мақсадлар, гошлар борки, бу ҳар биримиз учун даҳадор. Айтилайлик, «Ватан равақини», «юрт тинчлигини», «халқ фаровонлигини», «қомила инсонни», «ижтимоий ҳаётимизнинг», «миллатлараро тотувлигини», «динлараро барқиянатлик» гошлари миллий истиқлол мафқурасининг асосий воялари сифатида ҳар бир киши ота-она, оила, халқ, миллат манфаатларини ўзида мужассамлаштирган.

Чунки соғлом фикрли ҳар бир фуқаро, Ватанинг равақини уйлайди, беҳавотир, оёсийишта меҳнат қилиш, фаровон яшашни оруз қилади. Шу боис ҳам коммуналлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро барқиянатлик воялари эзгу, бунёдкор воялар сифатида умуминсониятга хизмат қилиб келмоқда. Мустақиллик ҳар бир кишига мустақил, овоз ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт кечирishi учун ҳам кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Ундан қандай фойдаланиш, кўпроқ ҳар бир кишининг ўзига, ҳар биримизга боғлиқ.

Мустақиллик, демократия ва фикрлар хилма-хиллиги, турли гошлар ривожига кўпроқ эҳтиёж сезади. Гошлар хилма-хиллиги тараққиётнинг муҳим омилли сифатида кўпроқ намоён бўлиб боради. Мамлакатимизда амалга ошаётган муҳим сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар, икки палатали парламентга ўтиш мuddати Ўзбекистон Республикаси Президентини ваколатлари мuddатини етти йиллик қилиб ўзгариштириш ҳақидаги умумхалқ маслаҳатлашувда халқимизнинг фаол иштироки ҳам, мустақиллик ва демократияни чуқур аниқлашда яқдиллик кўрсатганлиги, миллий истиқлол воясини қарор топиб бораётганлигининг белгисидир.

Миллий истиқлол вояси миллий-маънавий қадриятларга ҳамда ҳозирги замон дунё тажрибасига таянганлиги билан ҳар бир инсон тақдирига даҳадор, уни бунёдкорликка ундайди.

Қувондик ҲАМЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти кузуридаги Давлат ва жамаият қурилиши академияси тингловчиси

ҲАР БИР ТЕНГДОШИМИЗ — ЎЗ ИШИНИНГ УСТАСИ



Сярдаре вилоятидаги Узбек-Британия «Сарбон-текст» қўшма корхонасида 500 нафардан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда. Улар сановат ва тиббиёт учун ниҳоятда зарур бўлган дока, бинт, салфеткалар каби тақчил, илгарилари валюта ҳисобига келтирилмайдиган маҳсулотларни ҳеч бир қийинчиликсиз, дунё талабига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқармоқда. — Бир кунда 31 миллион дона бинт ва 86 миллион дона жарроҳлик салфеткалари тайёрлаш кучига эгамиз, — дейди корхона директори-инженери масалар бўйича ўринбосари Хурсандбой Шавқиев: — Албатта, ишига яраша ходимларимизга, имкон қадар қулайликлар яратишга ҳам ҳаракат қилиб бораёмиз. Корхона ҳисобидан уларга бепул тушлик ажратилган. Байрамларда

мукофот пуллари бериб бораёмиз. Асосан ёшлар ишлаганиданми, завқ-шавқ, ўйин-қулги, қисқача айтганда, ҳар бир кунимиз хурсандчиликдан иборат. Биз корхонада бўлганимизда ҳақиқатдан ҳам барчанинг юз-кўзиде хурсандчилик бадиб турарди. Беихтиёр ҳавасингиз келади. Ошпоқ либосда укан

дастгоҳларни бошқараётган ҳар бир тенгдошимиз ўз ишининг устаси, чакқон. Буларнинг бари истиқлол берган имкониятдир. Шундай экан, биз кунларга етишишимизга жонқуярлик қилган ҳар бир киши ёшларимиз қалбиде унутилмайди.

Азиз АҚРОМОВ,
Муаллиф олган суратлар

BUGUNNING SABOQLARI

Пул топшининг енгил-елли йўллариин излайдилар Шукрим, бугунги кунда берилган улкан имкониятлардан фойдаланиб, биз ёшлар турли жабҳаларда мислиси янгликлар яратишга қодиримиз. Бу эса, асосан, қишқанд ишбилармон, удабурон ва табиркор бўлишни талаб этади. Бундай қишқарон ақлу фикри теран, турмуши фаровон, ноия бутун бўлади. Изланувчанлиги, тинимсиз меҳнати орқали нафақат ўзи, оиласи, қолаверса, жамаият учун ҳам фойда келтиради. Орадаги эътиқод олови ёнмаган, машаққатли меҳнатлар олдиде унинг оғиз сезган, жасоратдан йироқ баъзи бир замондошларимиз эса енгил-елли «пул топиш» йўллариин излайдилар

Бундайларни ҳатто олий маълумотли шахслар орасида ҳам учратиш мумкин. Улар ўз салоҳиятлари, ўз меҳнатлари кучидан ёхуд маънавий имкониятларидан тўла фойдалана олмаганилар учун ҳам уларнинг турли томонларга уришади. Хорижга бориб, «фалон» миждорда пул ишлаб келиш илнжига тушиб қолишади. Яншигина ишлаб турган жойларидан бўшайдилар. Хўш, ўзининг қўшимча кучайратига ишонган бундай «шунқор» йигитларимиз кўшини давлатларга бориб, нима ишлар билан машғул бўлишаркин? Уларни оёқлари остига «Йўр», тагаларига моминг курсилар, «еганинг олдиде, емаганинг ортингда» деганидек, шохона ҳаёт кутиб олармикин? Тўғри, баъзилари қанақадир «зўр» ишлари эвазига бойиб ҳам келишади. Аммо қадр-қиммат-чи? Биз билан анча йиллар бирга фаолият кўрсатган йигитлардан бири Кореяга пул илнжиде кетиб қолди. Қўлини совуқ сувга урмас «оқбиллак» оймилардек бу олимфа йигитини 2-3 йилдан сўнг бир мунча юпун кейинган ҳолатда учратдим. «Оҳ-ҳо, Кореядан тракторчи бўлиб келдингиз, чоғи», дедим. «У ерининг оғир меҳнати тракторчиликдан-да оғир», деб жавоб берди у мийрида кулиб. «Нима орттирдигиз?» сўрайман яна. «Ҳади бир марта бордим-ку, кейинги сафар кўрамиз?» дея

олди у зўрға. Хўш, кейинги сафар уларга омад келтирармикин? Бу масаланинг оёғини осмондан қилиб кўрсатиш эмас. Гапнинг пўстқалласини айтганда, фикрларидеги кемтиқлик унинг турмуш даражасини

пасаийишга олиб келади. Яқинда бир қўшимчи Россиядан қайтди. Айтишига қараганда, банкротга учрабди. Қариндош-уруғларидан олаган қарзи банкротни қопламабди. Энди уй-жойини, тағмади «Лингули» сини сотиб, қариздан қутилишдан бошқа чораси қолмабди. Ҳеч қимга бу кулфатни кўрсатмасин экан. Бой бўлиб, ўзимга хон, ўзимга бек бўлиб яшайман деб, бориб шукр қилмаганининг оқибатиде бир, балки. Улар

биллақларидеги шунча кучини ўз юртининг табиркорлари орасида, ёхуд шу ҳудуд даладарига сарфлашса, нетаркин? Бу саволи-мизга эса, «Меҳнатга яраша қатта пул оломайсан, киши», деган жавобни ола-

мизга. Бу савол бизни қониқ-тинирмади, ҳалбуки қанчадан-қанча замондош, юртдошларимиз шу тўғрордан ҳалол нон топиб, ўз ишбилармонлиқлари ва табиркорликлари ортидан бойиб кетишмоқда. Уларга «Нонинг ҳалол бўлса, топганинг буюрсин!» — дегинг келадди. Ҳозир қишлоқ жойлариде ҳам хусусий хўжалик табиркорлари кўп. Уларга эргашиб, шу хўжаликдан дарамад олиш, шу ўринда жа-миётга ҳам фойда келтириш мумкин. Ахир, кўпчилигимиз озиғ-овқат маҳсулотларининг талайгина қисминини жамоа хўжалиги бозорларидан, шахсий маҳсулот эгаларидан харид қиламиз-ку? Бу саволга эса баъзи бир хорижсевар йигитларимиздан «Энди қолхозда ишлармикин», деганга ўхшаган кўпол жавабни эшитамиз. Хўш, ўз юртининг даладариде хизмат қилмишдан уялган бундай юртдошларимиз ўзга юрт хизматини қилишдан уялмас экан-да. Қани қадр, қани қиммат? Қани йигитликнинг гурури, обрўси-ю, ор-номуси? Тўғри, йигитларимиз эриш-таётган ижобий натижалардан ҳам кўз юмиб ўтолмай-миз. Юртинизда укан ўзгаришлар, мислиси йигитликлар рўй берди. Лекин, баҳсимиз мавзун бу ҳақда эмас. Зеро, улар қандай ютуққа эришган бўлсалар, ҳаммаси ўзларники, уни бироз тортиб ололмайдди. Замондош баъзи йигитларимизнинг «яқини» яшаш илнжиде хорижда саргардон кезишга вақт қаниматиде чек қўйилмасе турли қўнғилсиз оқибатларнинг аччиқ сабоқларини ўзимизнинг ўзбек йигитлари тортади. Уларга қўмак, эътибор зарур. Одамларнинг иш билан бандлигини ошириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳозирча етарли эмас. Яққа тартибдаги меҳнат фаолияти, ширкатлар, жамоа хўжалиқлари бу аҳолининг иши бўлган эҳтиёжининг бир қисмининга қондира олади. Бундан ташқари, бундай усулни жадал амалга ошириш, янги иш жойлари барпо этиш керак. Бу бизнинг ўзбек йигитларимизни турли хориж давлатлариде кезишдан сақлаб, уларнинг қадр-қимматларига торқек дўмақ бўлади. Шундагина юртиниз янада обод, элнин нони бутун, йигитларнинг гурури осмон қадар юксалади.

Лайло ҲАЙИТОВА

ТА'ЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМ ЗАРУРИЯТИ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори Фаррух АҚНАЗАРОВ билан суҳбат

— Ота-боболаримизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаларидан фخرланамиз. Аммо энди уларнинг муносиб авлоди эканлигини амалда исботлайдиган вақт келмадимикан? — Аслини олганда, аждодларимиз билан фахрлининг ва уларнинг вориси эканлигимизни амалда исботлаш эгизак тушунчалар. Биз икковини ҳам биргалиқда олиб боришимиз зарур. Ахир, келажақ авлод ўзининг ким эканлигини, кимларнинг авлодлари эканлигини билишлари керак-да. Биз нафақат улардан фахрлиниб юрамиз, балки аждодларимизнинг улкан илмий меросларини ўрганиб, янада ривожлантираемиз, сўнгра уни авлодларга қолдираемиз.

— Президентимиз олимлар олдиға аждодларимизга муносиб авлод бўлишинг янгиға усули ва механизмини яратиш вазифасини қўйдилар. Сиз ҳам бу борада қатор тадқиқотлар ва рисолаға эълон қилдингиз. — Гап рисола яратишда эмас. Ҳар бир инсон миллат тақдирига масъуллик туйғусини ҳис этиб яшаш керак. Аравани ҳар томонга тортиш билан ҳеч нарсаға эришиб бўлмайди. Юртовимиз ниҳоятда долзарб ва улкан вазифани олдимизга қўйдилар.

— У механизм қандай бўлади? — Мавзудан бироз чекинаман. Масалан, яновлар фарзанд тарбиясига жула жиддий қарашади. «Сен келажақда нимаға эришмоқчи бўлсанг, ўз ақлинг, идрокинг орқали эришинг мумкин. Бизнинг бор бойлигимиз ақлимиз, зеҳндидрокимиздир», деб доимо уларға уқтиришади. Ешлигидан шундай фикрлашға ўрганган японлар ҳар доим интилади ва изланади. Натижаси маълум, Иккинчи жаҳон уруши вақтида энг катта талафот қўрган Япония қисқа мuddат ичиде қанчалик даражада ривожланди. Бунинг асосида, албатта, таълим-тарбия ётади. Ўз-ўзидан савол туғилади. Бу жараён бизда қандай

кечмоқда? Бизда эса ота-оналар фарзанди учун қарор қабул қиладилар. «Сен келгусида фалон мутахассис бўлишинг керак» деб, кўп ҳолларда фарзандларининг қизиқишлари инобатға олинмайди. Ахир, ёшлар қандай қилиб қизиқмаган соҳасида етук мутахассис бўлиб етишишлари мумкин? Биз ҳам ўзимизға хос миллий механизмини яратишимиз зарур. Оилада бола тарбиясига жиддий ёндашимиз зарур. Ҳар бир бола оила шажарасидан хабардор бўлиши керак. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан сўзлаб бериш ҳам боланинг савиясини кўтаради, ҳаётга бола тарбиясини оширади. Ешлигидан «Алпомш» достонини таъсирида ўсган боланинг ўзи ҳам Алпомшиға ўхшаган интилади. Болалар кўпроқ мультфильмлар кўришсин, ҳар хил вақшийликни, эъравонликни тарғиб қилувчи фильмларни эса уларға умуман кўрсатмаслик керак. Гўдак нимани кўрса, шунға тақлид қилишға ҳаракат қилади.

Бундан ташқари, боғчаларда болаларға расмлар ёрдамиде боболар жасоратидан сўйлаш, улар ҳақида қизиқарли ҳикоя, эртак ва афсоналар айтиб бериш фойдалан ҳоли эмас. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир тарбиячи ёки ўқитувчининг ўзи аввало улар ҳақида тўлиқ маълумотға эга бўлиши керак, токи сўзлаётганда бола қалбини жунбўшга келтира олсин. Шундагина бола буюк ўтмишининг давомчиси, ажралмас қисми эканлигини ҳис этади.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган гап бор. Демак, фарзанд тарбиясиде маҳалла ва жамоатчиликнинг ҳам муҳим ўрни бор. Айниқса, кексаларнинг ўғитлари бола хотирасиде абадий муҳрланиб қолади. Демак, уларнинг бевосита ёш авлод тарбиясиде аҳамияти катта. Йўл четлариде, пештоқларда буюкларнинг ҳикмати сўзлари ёзилган қақирқларни кўпайтиришининг аҳамияти каттадир.

Шерхон ҚОРАЕВ суҳбатлашди

ЭЙ ДҮСТ

(1001 БИТИК*)

86. Эй дуст.
Не эрур бу оламда пахлавлонлик,
Пахлавлонликму гар ундан ёмонлик.
Ул қандай дарахтки, меваси захар,
Еганинг захоти рўйинг сомонлик.

87. Эй дуст.
Мола мулкимизни ортсак туюга,
Балки олиб чиқар битта қизга.
Унга юкламадик биз сўзимизни, —
Кўнгалга қолдирдик ўз-ўзимизни.

88. Эй дуст.
Не мол-дунё ўтмас даврон илқидан,
Булул соясидир — ҳар ганжи аъло.
Кўрдим, ота-онанг мерос мулкидан,
Қўлингиди хунар давлати авло.

89. Эй дуст.
Баъзи бир даврага кириб қолсанг гар,
Ғийбатдан қулоғинг бўлиб қолар кар.
Улар Ойга ўрлаб чиқмас-ку, аммо,
Қора кўлкасидан қоронғу шаҳар.

90. Эй дуст.
Кимки қадрлағай тириклик, умрин,
Асло тилаб юрмас биров ўлимин.
Бир гўёҳ захарли, бири доривор,
Бир-бирин асровчи ўртада сир бор.

91. Эй дуст.
Табибга «оҳ» уриб деди ёш бемор:
— Эртайим — кексалик қилмасми абор?
Табиб деди: — Кўнгли дарёлик қилгил,
Унга ҳали этиб бормоқлик даркор.

92. Эй дуст.
Шайтон олим эди — кўп билимдон зот,
Илмидан манманлик қилди ул одат.
Тақаббурилик этди ҳатто Оллоҳга,
Тавқилағнат бирла сўнг чиқарди от.

93. Эй дуст.
Дев қаби баҳодир бўлсаю ҳоқон,
Донишлик йўлдан бўлса мосуво,
Демак, вайрона у тахт тутган макон,
Демак, пиширбди бўйрачи ҳалво.

94. Эй дуст.
Биз йўқ жойда эрур турлик томоша,
Инсонким гоҳи қул, гоҳида пошша.
Тўғри ўқни эгри ёйларга солиб
Отиб келгайдирлар замонлар оша!

95. Эй дуст.
Қабристон ёнидан ўтар эдик жим,
Нозоҳон табассум қилди шеригим.
Деди, гўристонга қилиб ишора:
«Унинг тўлганлигин кўрганми ҳеч ким?»

96. Эй дуст.
Бир сайёда дедим: «— Қанча жонивор, —
Ўқингдан омонсиз, гуноҳинг бисёр.
Ахир кўркмайсанми?» У дер ишайиб:
«— Не қилай, нафсимнинг мингта оғзи бор».

97. Эй дуст.
Бир қушбон деди: «— Бок, қафасда бутун
Қушларни тарбия қилгум туну кун».
«Лангати!» — деди Ҳаққуни, —
Тарбияга қанот ёдирмаган тарбият учун!»

98. Эй дуст.
Йўқ, йўқ, бу оламнинг ибтидоси йўқ,
Ибтидоси йўқки, интиҳоси йўқ.
Не топса, топгайдир одамзотидан,
Ундан ўзга офат — ўз балоси йўқ.

99. Эй дуст.
Шу юксак тоғлардир дунёлар боши,
Сув ичгум сой, дарё, булоқларидан.
Беҳикмат эмасдир ҳар битта тоши,
Ҳикматлар тераман қиёқларидан.

100. Эй дуст.
Тангри деган эмиш яратиб бизни,
Қирқ ёшгача ўзим сақлайман сизни.
Кўрсатиб бўлгисиз аъмолингиз не,
Қирқдан сўнг сақланг, бас, ўз-ўзинизни.

101. Эй дуст.
Устоз бир кун деди: — Чин илм иста,
Илми хом бандалар — бемағиз pista.
Юз қаролиғни кўй — қилмадинг амал,
Ки илми ростлардан, бас, билим иста!

102. Эй дуст.
Менга аён турлик нафс кулфати,
Унга жилов солар доно қурбати.
Энг ҳалол — балиқни сақлай деб бироз,
Қилтиқ-ла яратди — оллоҳ қудрати.

103. Эй дуст.
Лал-лал ёниб турар тоғда ёнарғул,
Унинг тағи илон ўрдаси буткул.
Тунда кириб бордим, Илоншоҳ деди:
— Кет, ўз қавминг ичра бўлганинг маъқул!

104. Эй дуст.
Дарахт — улкан, кесар боши-учидан,
Илдизидан кесар ниҳол бўлса, бок.
Сир бермас, гарчи тоғ нураг ичидан,
Сирни сир очгайдир бир кун бироқ.

105. Эй дуст.
Тенг ярми тупроққа қўмилган оқ Тош, —
Ёнидан ўтардим, сўз қотди ювош:
— Тангри ярлақазур, дуо ўқиб ўт,
Остимда ажоддинг, мен-чи, қабртош.

106. Эй дуст.
Бу саҳродан ўтди кўш-кўш қарвонлар,
Изларин кўмдилар қумли тўфонлар.
Дур-жавоҳир юклар етди манзилга,
Аммо қайда тушиб қолди сарбонлар.

107. Эй дуст.
Олам ва Коинот яхлит, ягона,
Жонсиз нарса йўқдир ва ё бегона.
Фақат башар ўзин имтиёзли дер,
Шу билан қалби кўр, умри ғамхона.

108. Эй дуст.
Илон захри тўлдими, бас, тобга келиб,
Сочмаса гар кетар эмиш тарс ёрилиб.
Ёрилмоқдан кўрқибми, о, морсифатлар,
Кўринганга тиғин санчар сапчиб, ёниб.

109. Эй дуст.
Минг йил бурун ўтган эдим бул оламдин,
Мана, бузун қайтим келдим ул оламдин.
Ҳали йиғиб олимпиади тўшак-жойим,
Ҳали совуб улағурмабди хўллам мойим.

110. Эй дуст.
Ихтиёр биздандир, ижозат сиздан,
Бир оқ йўл берсангиз қалб-кўнглингиздан.
Дастурхон илинжи бизгадир йироқ,
Бир нур олиб қайтсак, бас, мулкисиздан.

111. Эй дуст.
Ватандин бегона жойда бахт йўқ, йўқ,
Бахт бўлса азар, ки ватан — мақд йўқ, йўқ.
Ариқ бўлсин икки қошим ўртаси —
Ватан суви оқсин, ўзга аҳд йўқ, йўқ!

112. Эй дуст.
Бугун ши қил: ҳақ фармонинг, нофармонинг,
Эрта учун келтирмасин то вайронинг.
Сенинг қилган нописандлик ишингиз ҳам,
Бу дунёда жуда кўндир пушаймонинг.

113. Эй дуст.
Ҳаётимиз, фурсат бор, қалблар бўлсин шод,
Дил дилдан сув ичсин, айласин обод.
Қора-оқ тоғлардан ошиб ўтгач сўнг,
Бефойда айла ёд, айлагил фарёд.

114. Эй дуст.
Марҳумларга бўлсин ҳамду санолар,
Хоки поклариди унсин доалар.
Бизни оқшилардан тутингиз йироқ,
Биз ҳали ноён: қора ёки оқ

115. Эй дуст.
Гоҳ-гоҳи юрагим титрайди зир-зир,
Коинот тўла сир, замин тўла сир.
Мангулик ҳақида ўйлаб тургандим,
Оҳ, Кўёш ойлара тутилиб — асир.

116. Эй дуст.
Дўст керак тўғрига ҳам, гумроҳга ҳам,
Дўст керак гадога ҳам, подшоҳга ҳам.
Дўст бошга боқар эмиш, ёв оёққа,
Дўст керак бу оламдин Оллоҳга ҳам.

117. Эй дуст.
Сезги-сезимларим чақнаган замон,
Уларга ишондим, ишонгум ҳамон.
Ақл — от, жиловлаб тураман атай,
Ундан кўп йиқилиб, бўлдим пушаймон.

118. Эй дуст.
Бир олма дарахти: қанчалар гўнча,
Санаб кўрсанг, чиқар милён-милёнча.
Бирор дам бўлса ҳам, ўйлаб кўрдингми,
Қанчаси қоларкин то етилгунча.

119. Эй дуст.
Дунёда нима кўп, турлик аломат,
Ишониб-ишонмас шўрлик жамоат.
Тик учган қуёни дейдилар устун,
Бир казоб болани дерлар валломат.

120. Эй дуст.
Сўз сўзга сўзсизсан, деди,
Кўз кўзга кўзсизсан, деди.
Тўздондан бир шивир эшитдим:
Туз тузга тузсизсан, деди.

121. Эй дуст.
Илми хом қавмлар тўрға ўтдилар,
Улар билмайдилар — гўрға ўтдилар.
Гарчи пойгақдаман, мени кам кўрма,
Чироқ кўтаргани орқага сурма.

122. Эй дуст.
Эрк — оҳу, овчиси кўп эрур қадим,
Хурлик қушин ёни, бок, етарлидир.
О, қазноққа бир бош узум осгандим,
Ул деди: — Айтиб ос, гуноҳим, надир?

123. Эй дуст.
Самовийлар ҳақда гаплар басма-бас,
Шов-шувларга тўлди Ер сайёраси.
Нега кўп термилгум фалакларга, рост,
Қонимда бормикин қонин зарраси?

124. Эй дуст.
Дарё қирғоғида бир тўп кўриқчи,
Кўриқчи эмас, йўқ, улар балиқчи.
Кеча ўйнаб-ўйнаб балиқ тутдилар,
Ҳайҳот, бугун-бугун қайга кетдилар?


125. Эй дуст.
Овчилар бошида икки чироқ бор,
Улар ёниб турар, ўзлари иқроқ.
Чироқларни кўриб жон сақлар жонзот,
Бўлмаса қолмасди тирик жонивор.

126. Эй дуст.
Ҳаёт ва ўлим, воҳ, ҳар дам, ҳар қачон,
Икки кўздек турар экан ёнма-ён.
Қолдир яхши ному, хотира, қадр,
Икки кўз ораси жуда яқиндир!

127. Эй дуст.
Тоғ кўкида оппоқ-оқ булул сузар,
Унга хушим кетар — мен бир йўлказар.
Чўпон дўст дер: — Қара, қора булулга, —
Бир қорин мойни бир қумалоқ бузар.

128. Эй дуст.
Тўққиз ой қорнида кўтариб, она,
Дунёга келтирди бир полвон бола.
Доя деди: — Кимга ўхшайсан, гўдак, —
«Ердан кўтаранга ўхшайман, хола».

129. Эй дуст.
Кўшим боласидан ёзғарар нуқул:
«Айт, қандай тарбия қилганим маъқул?»
— Қўймаси бўлмаса, минг туртмасининг
Фойдаси йўқ, — дедим, — билганимиз шу.



130. Эй дуст.
Анжир дарахтиман, мўлдир ҳосилим,
Ёз бўйи бахраманд бўлди дўст, ганим.
Гуноҳим надирки, мевам еганлар
Бугун кўймоқдалар тупроққа таним.

131. Эй дуст.
Тегсанг чақаман, деди, инсонга илон,
Чаксанг чопаман, деди, илонга инсон.
Кўзлар кўзга тиклиди — икки томчи ёш,
Кимга нима, икков кетди икки ён.

132. Эй дуст.
Дарё пастлаб борар, тутзорлар хомуш,
Тераклар паришон, тоқзор фаромуш.
Бок, баридан Она Қирғоққа жабр,
Кундан-кун илвираб бормоқда бағр.

133. Эй дуст.
Икки жўра бир деворли икки уй қурди,
Ҳали унда болалари эди палопон.
Улағидилар, қара, ниҳоқ отларин сурди,
Ўртадаги девор вайрон — икки уй вайрон.

134. Эй дуст.
Бегона сўз беради-ю бўз бермайди,
Тузхалтага кўз тикару туз бермайди.
«Берди»сини айтгунимча, белим букма,
Кўрингани дўстим деймиз, юз бурмайди.

135. Эй дуст.
Шу йил кўклам, — олам кезган қалдирғоч,
Менга ҳикмат айтди: «Бўл оч, яланғоч
Ва лекин бегона торморқасида
Орингни унутиб, сурмагил олоч».

136. Эй дуст.
Ёввойи буқани йўқди шер султон,
Пайдо бўлди чиябўрилар шу он.
Шерни қувиб солди улар тўдаси,
Тайёрга эга, бок, шумшик оломон.

137. Эй дуст.
Товуқхона қурдим, тўлдирдим уни,
Бир тулкидан мактуб олдим шу кун:
«Айтиб қўй, сурбетга ўхшар хўрозинг,
Уйқумни бузмасин, чиқмасин уни».

138. Эй дуст.
Жўжа чиққан кун тухумни ёриб,
Пайдо бўлди мушук ишайиб, ёниб.
У деди: «Хуш келинг, мен дўстман, бироқ,
Қанотинг нега оқ, этларинг юмшоқ?»

139. Эй дуст.
Ўтмиш йўриқлари бермаса самар,
Уни ўзгартирмоқ жоиз муқаррар.
Албатта, кифоя эрур эди шам
Ва лекин чироқни хуш кўрди Одам.

140. Эй дуст.
Демишлар: дардингни табибга айтгил,
Шодлигинг шарорин ҳабибга айтгил.
Унга ҳам, бунга ҳам сир айтмоқдан қайт,
Сиринг айтар бўлсанг, оқар сувга айт.

ЕВРОПА




Европанинг бир қатор давлатларида бўлиб ўтган кучли шомол тезлиги соатига 160 кмга етди. Дарахтларнинг кулаши ва автомобиллар халокати натижасида Польшада 4 киши, Германияда 2 киши, Буюк Британияда 7 киши ва Шотландияда 4 киши ҳаётдан кўз юмди. Кучли шомол автомобиллар, уйларга зиён етган. Кулаган дарахтлар электр симларини узиб юбориши, натижасида кўпгина аҳоли яшайдиган жойлар чироқсиз қолди. Аэропортларда самолёт учини бекор қилинди. Балтика денгизига эса кемалар қатнови тўхтатилди.



шамол тезлиги соатига 160 кмга етди. Дарахтларнинг кулаши ва автомобиллар халокати натижасида Польшада 4 киши, Германияда 2 киши, Буюк Британияда 7 киши ва Шотландияда 4 киши ҳаётдан кўз юмди. Кучли шомол автомобиллар, уйларга зиён етган. Кулаган дарахтлар электр симларини узиб юбориши, натижасида кўпгина аҳоли яшайдиган жойлар чироқсиз қолди. Аэропортларда самолёт учини бекор қилинди. Балтика денгизига эса кемалар қатнови тўхтатилди.

АФГОНИСТОН

Қобул тепасида янги байроғ ҳилпирай бошлади. Қора-қизил-яшил рангли бу байроқ 1964 йилда, Зоҳир Шох ҳукмронлиги даврида қабул қилинган. Шу билан бирга, Қобул кўчаларида полициячилар махсус рейдлар ўтказиб, қурол-яроғ ва қидирувдаги шахсларни Афғонистон пойтахтига ўтказмаслик учун машиналарни текширишяпти.



Афғонистон ҳукумати Вашингтондан келадиган қўшимча 50 млн. АҚШ долларини ва Россиядан келадиган 11 вагонлик ватанпарварлик ёрдами кутяпти.

ЭКВАДОР

Эквадорда давлат компаниясининг «Боинг-727» йўловчи самолёти чангалзорга кулаб тушди. Бортида 92 нафар киши бўлган бу самолёт Эквадор пойтахти — Китодан шимолдаги Тулкан шаҳрига учётганди. Колумбия қутқарувчилар гуруҳи самолёт қолдиқларини кўюк чангалзорлар ичидан топишга ҳаракат қилляпти, лекин бу қидирувлар ҳали бирор натижа берганича йўқ.



СПОРТ — ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, ИРОДА, ҚАТЪИЯТ

АФРИКА АФСУНГАРЛАРИ

Малида футбол бўйича Африка қитъаси кубоғи ўйинлари бошланди. Бу турнир футбол тарихига катта шов-шувлар билан кирди. Африка футбол конфедерацияси биринчи марта жамоаларга таркибидоғи футбол ривожига ҳалақит бераётган афсунгар лавозимини бекор қилишлари тўғрисида кўрсатма берган. Аммо бу таъқиқ мухлислар томонидан ҳам унча яхши қутиб олинмаган. Бунгача Нигерия, Мали, Камерун, Гана, Буркина-Фасо, Конго ва Замбия каби қитъанинг кучли терма жамоалари ҳам афсунгарлар хизматидан жон-жон деб фойдаланишар эди. Афтидан, ҳеч бир жамоа бу қўрсатмани бажарадиганга ўхшамайди. Баъзи терма жамоа ўйинчилари таркибидоғи афсунгар лавозими бекор қилинса, футболни тарқ этишдан бошқа илоҷлари қолмаслигини маълум қила бошлаган.

БҮРЕ ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШАДИ

Икки ҳафта илгари Миллий хоккей лигасининг «Флорида пантерз» жамоаси суперҳужумчиси, россиялик легионер Павел Буре раҳиб билан тўқнашув оқибатида чап қўлидан жароҳат олган эди. Шифокорлар дастлаб Буре бир, икки ой давомидо майдонга туша олмамлигини айтишган эдилар. Аммо орадан 10 кун ўтиб, машҳур хоккейчи «Флорида»нинг асосий таркибидоғи машғулотларда қатнаша бошлаган. Шу сабабли «юлдуз»нинг «Флорида» — «Монреаль» ўйинидаги иштироки мухлисларга алоҳида тўхфа вазифасини ўтади. Хоккей иштиқозлари ҳам Буренинг бунчалик тез майдонга қайтишини сира қутишмаган эдилар. Павел бу баҳсда фақат иштироки этибгина қолмасдан, балки рақиблар дарвозасига иккита шайба киритишга эришиб, «Флорида пантерз»нинг 7:5 ҳисобида ғалаба қозонишига катта ҳисса қўшди. Хуллас калом, Буре АҚШнинг Солт-Лейк Сити шаҳридаги кишки олимпиадада қатнашмаслигиндан ташвишга тушган мухлислар хотиржам бўлса ҳам бўлаверди.

МУҲАММАД АЛИ 60 ЭШГА КИРДИ

Номи жаҳон спорти тарихи зарваракларига битилган америкалик машҳур боксчи Муҳаммад Али туғилганига 60 йил тўлди. Афсонавий спортчиға тўхфа ўрнида Лос-Анжелесдаги «юлдузлар хивони»даги 2188 нафар америкаликлар орасидан унинг номи ҳам ўрин олди. Муҳаммад Али унинг юлдузи ерда эмас, фақат деворда жойлаштирилишини сўраган. «Мен номимни кимлардир оёқ босиб юрадиган йўлда бўлишини истамайман» деган спортчи.

БҮТҮНЖАҲОН БОКС КЕНГАШИДА

Бутунжаҳон бокс кенгаши томонидан «2001 йилнинг энг машҳур боксчиси» деб россиялик Константин Цзю ва америкалик Бернард Хопкинслар эълон қилинди. «Рингга муваффақиятли қайтиш» совринига олимпиа чемпиони, профессионал боксда беш карра жаҳон чемпиони бўлган Оскар де Ла Хойя (АҚШ) сазовор бўлди. «Йилнинг нокаутчи» деб британиялик Леннокс Льюиснинг ўзаро реванш учрашувида (4-раундда) америкалик Хасим Раҳмонга берган ҳал қилувчи зарбаси эътироф этилди. Бу билан Льюис ВБС ва ИБФ таснифидо жаҳон чемпионлиги унвонини қайтариб олди. «Боксда кўрсатган юксак натижалари учун» соврини беш йилдан буён ВБС таснифидоги спортчилар ўртасида тожни эгаллаб келаётган америкалик боксчи Рой Жонсга насиб этди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

Акционерлар умумий мажлисининг 27.07.2001 йилдаги баёнотномасига ва Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича 16.08.2001 йил 1-285 к-пов-сонли Буйруғига асосан ОАО «127-АТК» 15-14-1-118. ДП-сонли 31.03.98 йил эмиссия проспектига ўзгартишлар киритилгани ҳақида автоторхона акционерлари ихтиёрига ҳавола қиламиз. Акционерлик жамиятининг акциялар пакети Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 09.03.-119-сонли қарорига биноан қайта тақсимланди.

Жами:	Давлат улуши	Жамоа улуши	Чет эл инвесторлари улуши	Эркин савдо улуши
100	25 фоиз	10 фоиз	25 фоиз	40 фоиз
137135дн.	34284 дн.	13714 дн.	34284 дн.	54853 дн.
13713500 сўм	3428400 сўм	1371400 сўм	3428400 сўм	5485300 сўм

* 1-50-битиклар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2001 йил 15 июнь, 51-85-битиклар «Хуррият» газетасининг 26 сентябрь сонларида чоп этилган.

ОМОНАТ СЕВГИ...

Мен бежавоб ишқ исканжасида, изтироб чека-чека мактабни тамомладим. Ушанда сенинг ёшинг 16 да, менинг ёшим эса, сенинг ёшингдан атиги бир ёшгина катта эди. Аввалига севги эмас, хавас бўлса керак, дея ўйлаганим кунлар ўтиши билан оташин севгига айланди. Мен мактабга кун чиқмай борар ва дарс тамом бўлиши билан чопкиллаб, қишлоқ дўконни ёнидаги чинор сояси тагида ўтириб, сенинг мактабдан қайтишингни илҳак кутардим.

Ибтидоси бўлгани каби интихоси ҳам бўлар экан. Тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Мен шошилиб гўшакни кўтардим. Бу яна сен экансан. Сени пиқ-пиқ этиб йиғлаган овозинг менга аниқ-тиниқ эшитилиб турарди.

— Фотиҳа бўлдим, — дейди. Нега менга бир оғиз айтмади? Фотиҳа бўлишига қарши экан, нега унда ота-онасига эмас, менга айтиб йиғлайди? Нега энди севганим бор, ахду паймон қилганман демади экан? Такдирнинг кутилмаган яна бир зарбасидан ўзимни йўқотиб қўйдим. Кўзларим хижронинг хокисор кулбасига айланди. Наҳотки, сендан ҳам жудо бўлган бўлсан?

Исмингни бошқалардан сир тутиб, "хаёт" деб атардим. Қани менинг Хаётим? Сеними...? Йўқ, энди сен бегонасан, ўзга бир кишининг жуфти ҳалоли, бахтиёр бир хонадоннинг бахтли бекасисан. Мен эса ҳам-андуҳларимга мангу асранди бир кулман.

Биз сўнги бор учрашдик. Сен титраб-титраб йиғладинг. Кўзларингдан тўкилаётган сим-сим ёшлар менинг юрагимга тўкилар эди. Мен сenga далда бўла олмадим. Чунки ушбу дамларда ўзим ҳам кимнингдир ширин сўзи-ю, бир оғиз ширин далдасига муҳтож эдим. Биз хайрлашдик.

Аммо ҳар нарсанинг *Сenga бахт тиладим, сен эса жимсан, Сен узоқ йиғладинг, мен ҳам жим турдим. Севганим-севганим, — дер эдинг ҳар сал, Бугун кўзларингга ҳижрон ин қурди.*

Начора, кўнжидинг, қўла силқиб кетдинг, Юрагим силқиб кутубди сени. Кутубдим юрагим йиртилиб, эй воҳ, Кутубдим омонат турган севгани!

Мактубни Сайфулла ТОҒАЕВ оққа кўчирди

Ота-она киз ўстирар экан, унинг келажакда яхши бир хонадонга келин бўлиб тушиб, бахтли ҳаёт кечиршини орзу қилади. Тўйга атаб сеп йиға бошлайди. Уни ўзга хонадонга узатиш чоғида, илоҳим, тушган жойингга азиз бўлгин, қайнона-қайнотанг дуосини олгин, дея оқ фотиҳа беришади.

Биз Асака тумани "Дўстлик" маҳалласида яшовчи бир гуруҳ отахонлар, яъни қайноталар даврасида бўлиб, улар билан суҳбатлашдик. Суҳбатимиз, асосан оилада қайнона-келин муносабатлари, урф-одатларимиз ҳақида бўлди.

Расулжон Халилов — 3 келиннинг қайнотаси, 9 набиранинг буюси:
— Аввало, 2002 йил Юртбошимиз томонидан "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинганлигидан беҳад мамнунмиз. Бу ҳукуматимизнинг биз қарияларга гамхўрлигидан, деб ўйлаймиз. Маҳалламиз ёшлари ҳаммиша бизларнинг дуомизни олишга

ҳаракат қиладилар. Ҳар бир ишда маслаҳатлашадилар. Айниқса, тўй ва бошқа маросимлар бизсиз ўтмайди. Шунингдек, тўйларни камчиқим ўтказишда ҳам катталар билан маслаҳатлашилди. Маҳалланинг обрўси унда яшаётган оилаларнинг тотувлигига ҳам боғлиқ. Оила аҳиллигида эса кўп жиҳатдан қайноналар алоҳида ўрин тутадилар. Агар қайнона эсли, ақли бўлса, ҳар қандай келинни йўлга сола олади.

Зокиржон Охунов — 4 келиннинг қайнотаси, 5 нафар кизнинг меҳрибон отаси, 33 набиранинг азиз буюси:
—Ҳақиқатдан ҳам оила тинчлиги қайнонага

боғлиқ, деган гапда жон бор. Ҳозир ўзингиз айтиб ўтганингиздек, билан куймаланиб юрадилар. Келиннинг бирон иши ёқмаса,



аксарият келинлар қайноталарини мақтайдилар-у, қайноналаридан бироз шикоят қиладилар. Бунинг сабаби аниқ. Биз қайноталар кўпинча уйдан эрталаб чиқиб кетамизу кечкурун қайтамиз. Қайнона, келинлар эса кечга қадар уй-рўзгор ишлари

деб ўйлайман. Кейинги пайтларда ёш қайноналар келинларга ортиқча талаблар қўйиб, ўзларининг келин бўлганликларини унутиб қўймоқдалар. Маҳалламизда шу каби сабабларга кўра оилаларда жанжал чиқса, оилани муроасага келтириб, яраштиргунча артист бўлиб роль бажаришимизга ҳам тўғри келади. Бизни холларда уйига аразлаб борган қизининг гапларини эшитган она унга панд-насихат қилиб, уйинг уй бўлсин дейиш ўрнига, оиласидан ажратиб олиб ўтиришни маъқул кўради. Тўрт келиннинг ҳам бировларининг азиз фарзандлари, кўларининг оқу қораси. Мен уларга ҳаммиша ота-оналарингизга раҳмат, дейман. Беш кизим эса худди шулардай тушган хона-

донларида келинлик вазифасини бажармоқдалар. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. **Собиржон Аҳмедов — 4 келиннинг қайнотаси, 15 нафар набиранинг буважониси:**
— Оила — муқаддас даргоҳ. Ушбу даргоҳнинг бутлиги, аҳиллиги оилاداги катталарга боғлиқ экан, улар доимо оғир бўлсинлар. Ёшларимиз тилларига эрк бермасинлар. Чунки майда-чуйда гап ўтмайдиган ашиқ йўқ. Гапни айтиш осон, қайтиб олиш қийин. Тандаги жароҳат битиди, аммо дилдаги жароҳат ҳеч қачон битмайди. Шундай экан, ҳар бир ота-онага, қайнона-қайнотага, келину кизларимизга, ўғилларимизга ҳам барчага сабр-тоқат берсин. Ёшларимиз биз қарияларни эъзозлаб, қадримизга етиб юраверсинлар.

Мавлуда АЗИМОВА



Азиз АКРОМОВ олган сурат

МОЎТАЖ МОЎТАЛОҚ
Қадим замонда бир хасис бой бўлган экан. Ута зикналигидан унинг хизматкорлари ўзга бойларга ишга ёлланиб кетишибди. Собик хизматкорларнинг шунча уқдиршиларига қарамай, Насриддин Афанди хасис бойга хизматкор бўлиб ишга қарибди. Бир ой ўтмай, хизматкорлар Афандининг устидан янги кийим-бош, остида гижинглаган отни кўришибди ва ундан бу нарсаларга қандай қилиб эришганини сўрашибди. Афанди уларга шундай жавоб берибдики, собик хизматкорлар унинг уддабуронлигига яна бир бор таҳсин айтишибди.

Хўш, Афанди уларга қандай сўз айтган? **Жавобларингизни кутамиз**

Саидқабар МАННОНОВ

Ассалому алайкум, азиз дугонам!
Шу лаҳзада бироз вақтингизни олишга, қалбимни очиб, сизни суҳбатга чорламоққа қарор қилдим.

Дугонажон, кўзуга бир назар ташланг. Кимни кўряпсиз? Сизга гўзалликда таъно бир париваҳ кўриятми, шундай эмасми? Лекин яхшироқ эътибор беринг, бу суратнинг тўқис бўлиши учун нимадир каму, нимадир ортиқча эмасми? Уйлаиб қолдингизми, азизам! Келинг, бу париваҳда нима

гонасига киборлик билан, менсимай нимадир деди. Мен улардан анча нарида бўлганим учун унинг нималар деганини аниқ эшитолмадим, аммо уй, остонани тоза тутидиангина иборат эмас. Сариталик барча нарсаларда, шу жумладан, кийинишда ҳам бўлиши зарур. Кийимнинг замонавий, сўнги модада, қимматбаҳо бўлиши шарт эмас, асосийси у ўзингизга ярашган ва озода бўлиши керак. Кийим ҳақида гап кетганда, яна шунга айтиб ўтмоқчи эдимки, ҳозирда кўпгина Фарб мамлакатларининг маданияти, кийимлари ўлкамизга кириб келмоқда, бу яхши, албатта. Лекин замонавий кийинишда ҳам ўзбек эканлигини унутмаслигимиз кераклиги дейман, азизам! Миллийлик уфуриб турган замонавий либос кийиш қандай яхши. Бунинг устига, Ватанимиз дунёга юз очиб, хориждилар бизларга, урф-одатларимиз, кийимларимизу қадриятларимизга қизиқиш билан қараган бир вақтда ўзликимизни унутиб, ажнабий кийимларни кийиб, қурама тилда сўзлашимиз уларнинг Ватанимизга бўлган қизиқишини сусайтирмаймизми?

Муқаддас ОХУНОВА, талаба

КУЛГИ БЕКАТИ

Талаба биринчи марта электрон соат сотиб олган экан. Шунда бир кекса киши сўрабди:
—Болам, соатинг неча бўлди?
—Ун саккизини ўн бешга бўлсангиз неча чиқса, ўша бўлса керак. ***

Домла:
—Нега бир оёгингга қора, бир оёгингга оқ туфли кийиб келдинг. Бор, алмаштириб кел.
Талаба:
—Кечирасиз домла, уйда ҳам худди шунақа туфлим бор. ***

Талаба йигит қизга мурожаат қилмоқда:
—Эртага эрталаб бўшмисан?

—Ҳа, бўшман.
—Эртага тушда-чи?
—Ҳа, албатта.
—Кечкурун, бўшмисан?
—Йўқ, холамниқига бормоқчи эдим, нима эди?
—Афсус, сени бир кафега олиб тушмоқчи эдим-да. ***

Талаба:
—Гумма қанчадан?
Сотувчи:
—10 сўм.
Талаба:
—Ҳим. Биттаси-чи?

РУСТАМ СУЛАЙМОНОВ
тўплади



Утеранный гос. ордер №10-02/10965 от 24.02.93 права собственности Самбурова Владимира Алексеевича на квартиру считать **НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**

1993 йил 19 июль куни Абдуманон Қодиров номга берилган 00-21/5754 рақамли уй-жой ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17-касб-хонар мактаби томонидан Каюмов Абдусаттор Абдуқадировичга 1999 йилда берилган №138021 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

АС "Қизилқум" корхонаси томонидан 15.02.2001 йилда Гафуров Халилга берилган №41 ва №42-рақамли ишоннома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Туркистон" газетаси жамоаси шоир **Аъзам УҚТАМ (ХУДОЙБЕРДИЕВ)**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва қариндошларига таъзия изҳор этади.

СКАНВОРД

Партия номи	Балқунинг нафас олиш аъзоси	Мусликий нота	Қадимий дин
Финляндия пойтахти	Тип, характер	Араб харфи	Бошқотирма тури
Ўрта билим юрти	Музыка асбоби	Эшитиш аъзоси	Кўпқари
Ёзувчи Шароф...	Совуқ, муздай	Африка: Конго дарёси ирмоғи	Юк автомоби
Узум мурабоси	Келишиқ кўшимчалари	Давлат тузилиши шакли	Намозни бошқарувчи
Найза	Зараркунанда капалак	Сурок олмоши	...панг (Кулок)
Жушқин, алангали	Машғулот объекти	Осойишта (акси)	Инглиз физиги Жеймс
Янги униб, чиққан	Афсонавий маҳлуқ	Ой номи	Халқ
		Бугундан олдинги кун	Ичи чириган ёки ковак
			Бир қанча
			Мўлжал Тотув
			Махсус рақам
			Ғеометрик шакл
			Ўткир ақл соҳиби
			Йигитлар исми
			Укам
			... тибэ
			Авто русум

Тузувчи: Акрамжон ХУҲАМОВ